

Тўлқин ЭШБЕК,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Мерос комиссияси масъул котиби

АДИБНИНГ АДАБИЙ ДОВОНЛАРИ

(Атоқли ёзувчи Пиримқул Қодиров таваллудининг 90 йиллигига)

Бетакрор тарихий романлари билан миллионлаб китобхонлар қалбидан мангу жой олган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров 1928 йилда таваллуд топган. 1951 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институти аспирантурасига кирган, “Абдулла Қаҳхорнинг урушдан кейинги ижоди” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1954-1963 йилларда у Москвада собиқ иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси қошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи, 1963-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими лавозимида ишлаган.

1990-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлиб, парламентнинг Фан, маданият ва таълим қўмитасида фаолият кўрсатган.

Адибнинг “Уч илдиз” (1958), “Қора кўзлар” (1966), “Олмос камар” (1977), “Юлдузли тунлар” (“Бобур”, 1979), “Авлодлар довони” (1988), “Она лочин видоси” (2000) романлари, “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Ботирлар ва бахиллар”, “Яйра институтга кирмоқчи”, “Ақромнинг саргузаштлари” киссалари адабиёт ихлосмандларининг маънавий мулкига айланди. Пиримқул Қодиров асарлари қатор хорижий давлатларда ҳам нашр этилган. У таржимон сифатида Л.Толстойнинг “Қазақлар”, К.Фединнинг “Дастлабки қувончлар”, П.Толстининг “Из”, Х.Деряевнинг “Тақдир” номли роман ва киссаларини она тилимизга ўгирган. Адиб сценарийси асосида “Сенинг изларинг” бадиий фильми яратилган.

Филология фанлари номзоди Пиримқул Қодиров

илмий фаолиятини ҳам давом эттириб, “Халқ тили ва реалистик проза”, “Тил ва дил” рисоаларини яратган. Адиб ва олимнинг 2005 йилда Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Тил ва эл” илмий бадиаси Темуррийлар давридаги мумтоз тилимиз муаммоларига бағишланган бўлса, 2007 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Амир Темур сиймоси” илмий бадиасида Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти илмий тадқиқ этилиб, юксак бадиий маҳорат билан ёритилгандир.

Ўзбек адабиёти хазинасига баракали ҳисса қўшган устоз адиб Пиримқул Қодировнинг хизматлари юксак баҳоланиб, 1994 йилда “Шуҳрат” медали, 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати”, 2006 йилда “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган.

* * *

Улуғ устозлар даврасида юриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш ҳам ёш ижодкор учун катта сабоқдир. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) Журналистика факультетида таҳсил олиб юрган кезларимиз Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби буюк ёзувчи-шоирлар таҳсил олган даргоҳда ўқиётганимиздан фахрланиб, уларнинг “этагидан тутиш”га интилардик. Ўша кезларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган адабий учрашувларга бориб, сеvimли адибларимизнинг сўзларидан баҳраманд бўлиш биз ижодкор талабаларга олам-олам завқ бахш этарди.

Мен учун ҳаёт сабоғига айланган “Уч илдиз” романининг муаллифи Пиримқул Қодиров билан ўша кезларда танишган эдик. Устознинг вазмин юришлари, камтарона муомала маданияти биз

ёшлар учун ибрат мактаби эди. Шу тариқа устоз билан ака-укадек бўлиб кетгандик.

Устоз саксоннинг сарҳадига етганида “кексаликнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлар экан” деган гапни такрорлаб турарди. Бу ёшда инсон кўпроқ меҳрга ташна бўлишини хис этиб, холидан хабар олиб турардим. Тошкент шаҳридаги Анхор бўйида жойлашган уйнинг иккинчи қаватида улуғ адиб рафмқаси София опа билан умргузаронлик қилишарди.

Ўша кезлар устоз адабиётшунос олим Абдуғафур Расуловга ўз туғишган иниси каби таяниб қолган эди.

Пиримкул ака кўпинча телефонда ким биландир гаплашиб ўтирганини кўрардим. Мавлоно, деб сўзлашидан билардимки, Абдуғафур домла билан гурунг қилмоқда. Устоз фақат домламизга мавлоно ё мулла Абдуғафур, деб мурожаат қилардилар.

Домламиз ҳам Пиримкул акани туғишган ака-сидек кўрардилар. Демак, улар нафақат адабиёт мавзусида, балки ҳаётдаги бошқа муҳим масалалар ҳақида ҳам фикрлашардилар. “Ўзбек адабиёти неча асрлар мобайнида катта карвон каби ўз йўлидан келмоқда,– дерди Пиримкул ака куюнчаклик билан.– Айрим ёш қаламкашлар янгилик қиламан деб унинг ўзанини миллий кадрятларимизга ёт ғоялар сингдирилган томонларга буриб юборишларига асло бепарво қараб ўтирмаслигимиз керак”.

Бу фикрни домламиз дилдан қўллаб-қувватларкан, “Пиримкул ака жуда донишманд адиб” дея олқишларди.

Пиримкул Қодировнинг адабиётга, ўзбек адибларига муносабати ҳақида ҳали кўп хотирлаймиз. Атоқли адиб раҳматли Озод Шарафиддиновдан кейин адабиётшуносликда Абдуғафур Расулов билан Умарали Норматов ўзига хос бетакрор аъналаримизни давом эттирмоқда, деган фикрини умид ва ишонч билан айтарди.

2010 йилнинг ёзи жуда иссиқ келди. Кўп қаватли уйда яшайдиган баъзи заифроқ кишилар бироз салқин тушишини интиқлик билан кутишарди. Тўғри, замонавий совутгичлар бундай пайт жоннинг роҳати. Бироқ, бу матоҳ салга шамоллайдиган кексаларга унча тўғри келмасди. Шундай кунлардан бирида Абдуғафур ака мени ҳовлисига таклиф қилдилар. Янги чиққан бир-иккита китобларга бирга тақриз ёзиш ҳақида суҳбатлашдик. Ҳар гал суҳбат мавзуси албатта Пиримкул акага уланарди. Устознинг холидан қачон хабар олганимни, отахонга яна қандай ёрдам кераклигини домламиз албатта сўраб-суриштираркан, ўзлари ҳам яқинда телефон орқали нималар ҳақида гурунг қилганини завқ би-

лан сўзлардилар. Ўша куни домламиз дилига тугиб юрган бир таклифини айтдилар:

– Пиримкул ака “дом” да сиқилиб ўтирибдилар,– дедилар жонкуярлик билан.– Ҳовлимизга таклиф этиб, кўнглини олсак, қандоқ бўларкин?

– Жуда савоб бўларди-да,– дедим хаяжон билан.– Биздан нима хизмат?

– Биласизми, у кишига таклифни ўзим айтишга истиҳола қиляпман,– деди устоз салмоқ билан.– Мабодо, боролмайман, деб қолса, бироз хижолатпазлик бўлади. Қандоқ таклиф этишни сиз эплайсиз...

Домламиз бу вазифани менга юклаётгани бежиз эмасди. Саксон иккинчи баҳорини кўраётган нуроний отахон ва ёнларида қилтиллабгина юрадиган София опамизнинг иккинчи қаватдан тушиб-чиқишлари, ҳовлида меҳмон бўлиб ўтиришга қанчалик хоҳишлари бор-йўқлигини аввало ўзларидан сўраб билиш лозим эди.

Эртаси куни устозни йўқлаб бордим-да, Абдуғафур аканинг таклифини ётиғи билан тушунтирдим.

– Мулла Абдуғафур барака топсин,– деди нуроний устоз қандайдир интиқлик билан, сўнг хижолат тортгандек кўшиб қўйдилар,– уларни овора қилиб қўймасмикинмиз?..

Хуллас, улуғ устознинг розилигини олиб, вақти-соатини келишдик.

Домламизнинг катта ўғиллари Рустамжон айтилган вақтда машинасини шай қилиб турди.

Абдуғафур аканинг Дўмбиробод маҳалласидаги файзли хонадонига етиб келганимизда куёш тафти бироз қайтганди. Ҳовлига сепилаётган сувлардан она тупроқнинг муаттар бўйлари кўтарилиб, ҳузур бахш этарди. Пиримкул аканинг ҳам баҳри-дили очилиб кетгани ним табассум югурган юзларида аён кўринди. Неча йиллар мобайнида бу чоғроқкина ҳовлида не-не улуғ адиблар, шоирлар-у адабиётшунослар тунларни тонгларга улаб гурунглари қилмаган, дейсиз. Ана шундай дилтортар суҳбатларнинг навбатдагиси ўша куни бўлди.

Дарвозадан бирин-кетин атоқли адиб Худойберди Тўтабоев рафиқаси билан, улар ортидан таникли олима Суюма Ғаниева, адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев кириб келдилар.

Тўкин дастурхон атрофида шундай устозларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишнинг ўзи мен унутилмас воқеа эди.

Ўзаро ҳангомалар қизиганида Суюма опа Пиримкул аканинг ёнига ўтиб ўтирди-да ниманидир муҳокама қила бошлади. Гап орасида София опа томон илкис қараб:



– Намунча ёмон қарайсиз? Ҳалиям рашк қила-
сизми?..– деса бўладими.

Гур-р кулги кўтарилди.

Пиримкул ака эса рафиқасига, қалайсиз энди,
дегандек жилмайиб кўйди.

Шу мўътабар ёшда ҳам устозларнинг бундай са-
мимий ҳазил-мутойиба қилишларини кўриб завқим
келиб-кетарди.

Бетакрор суҳбатлар поёнига етмасди.

Бирок, энди туришнинг ҳам мавриди келди. Пи-
римкул ака дастурхонга дуо қилдилар.

Қалби офтоб, меҳри дарё Абдуғафур домламиз
меҳмонларни алоҳида сийлашга тушди. Пиримкул
Қодиров ва Худойберди Тўхтабоевга тўн, Суюма
Ғаниева, Ҳамидулла Болтабоев ва каминага кўй-
лаклар инъом этдилар.

* * *

Адабий учрашувларда мухлислар шоир ва
адибларга кўпинча биринчи китоби ҳақида савол
берадилар. Улуғ адиблар ҳаёт билан видолашган-
ларида у сўнгги бор нималар қилгани ё дегани
ҳақида сўраб-суриштириб қолиш ҳам одатий ҳолга
айланган. Раҳматли устозимиз Пиримкул Қодиров
ҳақида энди қаерда сўз кетмасин, унинг сўнгги
сафари Абдуғафур Расулов хонадонига бўлгани
ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб юраман.

Ўз навбатида раҳматли домламиз Абдуғафур
Расулов ҳақида ҳам сўз кетган давраларда ўша
меҳридарёлик билан қилинган меҳмондорчилик
ҳамда қалбимизга муҳрланиб қолган суҳбатлар
ҳақида мароқ билан айтиб бергим келаверади.

Аслида бу ҳам улуғ устозларнинг биз учун бета-
крор ибрат мактабидир...

* * *

Адабиётшунослар тилида адиб ёки шоирнинг
“иккинчи умри” деган пурмаъно гап бор. Бу – ўша
ижодкорнинг дунёдан ўтганидан кейин ҳам севиб
ўқиладиган асарларига бериладиган баҳоидир.

2008 йил 7 апрель куни адиб Пиримкул Қоди-
ровнинг хонадонига ўтказган бир машваратимиз
қалбимга муҳрланиб қолган. Ўшанда улуғ шои-
римиз Абдулла Орипов (у Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси эди), адабиётшунослар Абдуғафур
Расулов, Умарали Норматов, Ҳамидулла Болтабоев,
Нурбой Жабборов ва Баҳодир Каримов Ўзбекистон
халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров таваллудининг 80
йиллигига ҳозирлик кўриш юзасидан маслаҳатга
тўпланган эдик.

Умарали Норматовнинг таклифи билан Абдулла
Орипов ташкилий гуруҳ раиси, Абдуғафур Расулов
ўринбосари, камина котиб бўлдик.

Ташкилий гуруҳ режаси ишлаб чиқилди. Унга
биноан адиб ҳаёти ва фаолиятига бағишланган
“Меҳрга йўғрилган ижод” ва “Ҳаёт билан ҳамнафас
ижод” деб номланган иккита тўплам нашрга тайёр-
ланди. Уни ўша даврда Навоий номидаги Миллий
кутубхонамиз директори бўлган Абдусалом Умаров
бош-қош бўлиб нашрдан чиқарган.

Атоқли адибнинг 80 йиллик юбилеи кенг ни-
шонланди. Биринчи Президентимиз Ислон Кари-
мов 2008 йил 25 октябрь куни “Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Пиримкул Қодировга” сарлавҳаси остида

йўллаган табригидаги куйидаги сатрлар адибга бир олам қувонч бахш этди:

“Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан суғорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тўтиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилингани билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, собиқ шўро мафқураси тазйиқлари ва қаршилиқларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк теурийлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди”.

Бу мактуб юртимизда барча ижодкорларни тўлқинлантириб юборди. Шунга яраша Пиримқул Қодировнинг 80 йиллик юбилеи муносиб равишда нишонланди. Атоқли адиб билан қатор олий таълим муассасаларида, турли жамоаларда ўтказилган ижодий учрашувлар адабиёт ихлосмандларининг қалбларига муҳрланиб қолган.

Орадан 10 йил ўтди. Бу йил раҳматли адибимиз таваллудига 90 йил тўлмоқда!

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 август куни эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида” Фармонида адабиёт соҳаси бўйича биринчи даражали давлат мукофоти Пиримқул Қодировга “Амир Темур сиймоси” ва “Тил ва эл” асарлари учун берилгани улуғ адиб руҳини қанчалик шод этганини ва миллионлаб адабиёт мухлисларини мамнун қилганини тасаввур этиш қийинмас. Айни пайтда бу – атоқли адибнинг 90 йиллиги олдидан муносиб тухфа бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу орада 2010 йил декабрь ойида улуғ адиб Пиримқул Қодировни сўнгги манзилга кузатгач, унинг ижодини изчил тадқиқ ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Мерос комиссияси ташкил этилди. Улуғ шоир ва адиблар ижодий

меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиб бориш жамиятимизда китобхонлик маданиятини тобора ошириб боришда ғоят муҳим ўрин тутар экан.

Сирожиддин Саййид раислик қилаётган мазкур Мерос комиссияси аввало раҳматли адиб ва шоирларнинг ижодий меросини ўрганиш устида изланмоқда. Уларнинг оилалари ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар берилмоқда. Комиссия аъзолари вақти-вақти билан марҳум адиб мангу кўним топган қабристонга зиёратга бориб, у ерда ободонлаштириш ишларини ҳам назорат қилмоқда.

Айни пайтда Пиримқул Қодиров ижоди, хусусан, кўлёмалари, ён дафтарлари, хатлари, турли йилларда газета-журналларда ёритилган мақолалари, бадиалари, меҳнат фаолиятига оид муҳим маълумотлар изчил ўрганилмоқда.

Улуғ адиб таҳсил олган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде унинг талабалар ҳаётига бағишланган “Уч илдиз” романи асосида махсус маҳорат мактаби ҳамда интернет тармоғида www.uchildiz.uz сайти ташкил этилган.

Сўнгги йилларда адиб кўлёмаларидан “териблинган” дурдона фикрлар “Адиб сабоқлари” сарлавҳаси остида қатор нашрларда ёритилди. Шу номдаги салмоқли тўплам ҳам нашрга тайёрланмоқда.

“Адабиёт учкунлари” нашриёти яқинда «Абадий барҳаёт асарлар» туркуми остида адибнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” тарихий романларини қайтадан нашр этди. Бу нашрларда бугунги ёш китобхонларга айрим сўз ҳамда иборалар янада тушунарли бўлмоғи учун тегишли изоҳлар берилган. Айни пайтда бу асарлар лотин ёзувида асосланган алифбомизда ҳам чоп этилмоқда. Шунингдек, адиб таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан бошқа машҳур асарлари ҳам шу тарзда янгидан нашр этилади. Адиб мероси – бебаҳо маънавий хазинадир. Бу хазинадан бугунги ёш авлодларни муносиб равишда баҳраманд этиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Улуғ устозимиз “довон” деган сўзни хуш кўрарди. Халқимизнинг турли даврларда қандай довларни забт этгани ҳақида кўп бадиаларида ҳам шу улуғвор сўзни бот-бот такрорлагани ўқувчиларга яхши маълум.

Бугун таваллудига 90 йил тўлаётган улуғ адиб бетакрор асарлари ила авлодларнинг улкан довларига маънавий нур бахш этиб кетган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.